Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 147 (3648)
30 ЖУМА
ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ— СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

УНУМЛИ МЕҲНАТ НАТИЖАСИ

Шина ремонти заводи ишчи ва инженер-техник ходимлари меҳнатлари халқ хўжалиги учун голят муҳим аҳамиятга эгалигини жуда яхши биришади. Шунинг учун ҳам улар сифат ва самарадорлик бешйиллигида кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун изчил кураш олиб боришяпти. Шина ремонтчилар беш йиллик топшириқни барвақт кўрсатичлар бўйича ортиғи билан бажаришяпти.

БУГУН

улар йил бошидан бери 26,700 тадан ортиқ шинани сифатли ремонтдан чиқариб, ярим йиллик топшириқни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Ҳозир корхонада вулканизаторлар д а н ҳар куни 230—235 та шина тушириб олишяпти. Вулканизатор А. Мирахмедов, прикатчик Х. Саъдуллаев каби меҳнат пешқадамлари ишлаб чиқаришга меҳнатнинг илғор усулларини жорий этиш, ускуналарнинг унумли ишлашини таъминлаш орқали смена топшириқларини 120—130 процентга етказиб бажаришяпти.

БУГУН

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР

Тошкент тўқимачилик комбинати 2-тўқув фабрикаси биринчи цехининг Анатолий Николаевич Лабзин бошлиқ бригадаси коллективи ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида рапортга имзо чекди.

Илғор иш усулларидан моҳирона фойдаланиб, 60 станокка хизмат кўрсатаётган бригада коллективи шу кунгача 871.8 минг метр сатин ишлаб чиқарди. Бу — беш йиллик план демакдир.

Шуниси диққатга сазоворки, бригада аъзоматлари тўқиган маҳсулотнинг жами биринчи сортга қабул қилинди. Шунингдек, ўз ақаси билан ёнма-ён меҳнат қилаётган Михаил Лабзин бошлиқ бригада коллективи ҳам тўрт йиллик топшириқни муваффақиятли ва олдин ада этди. Улар 680 минг метр сатин тўқиб беришди.

• *Янги қаҳрамонларимиз*

Мингларнинг устози



Пойтахтимизда ишга туширилган метрополитен станцияларини бирма-бир айланиб чиқсангиз, бири-биридан гўзал, ҳашамдор зал деворлари, шипдаги қандиллар, кошин безаклардан кўзингизни асло узгингиз келмайди.

— Устасига офарин! — дейсиз бехтиёр. Шу гўзалликлардан олган қалб қувончи-ю, эстетик завқни айтмайсизми?! Бундай гўзаллик ижодкорлари кечаги ўрта мактаб ўқувчилари — бугун Тошкентнинг янги қурилишларида меҳнат қилаётган бунёдкорлардир. Шаҳримиздаги биргина 63-ўрта ҳунар-техника билим юртини бу йил 546 йигит-қиз битириб чиқди. Улар ўрта маълумот билан бирга, бўёқчи-сувоқчи, дурадгор, электр пайвандчи, суворчи-ганч ўймакорлиги каби ҳунарларни эгаллашди. Демак, пойтахт шаҳар қурилиши бошқармаси бунёдкорлари сафига яна навқирон ишчи авлодлар келиб қўшилди.

Ҳа, бизнинг давримизда ишчи номи-мағрур янграйди. Ҳар бир касб эгаси ўз меҳнатида элда азиз. Одий қурувчи Холхўжа Баҳодиров, Ҳамид Қорабоев бугунги кунда Социалистик меҳнат Қаҳрамони бўлиб республикамизга, Иттифоқимизга донғи кетган. Ленин ордени соҳиби С. Чоркев каби қурувчилар ўз касбини ардоқлаб, эл-юрт орасида обрў орттиришди.

Кеча матбуотда СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинди. Фармонга мувофиқ ўқувчиларга таълим бериш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган ўқитувчилардан 46 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ҳамда «Уроқ ва Болға» медали топширилиши айтилган. Булар орасида шаҳримиздаги 63-ўрта ҳунар-техника билим юртининг директори Рихситилла Ҳусанов ҳам бор.

Биз Рихситилла ака-ни табриклаш учун билим юрти даргоҳига борганимизда эрта тонгданоқ бу ер кишилар билан гавжум эди.

— Табриклай м и з. Рихситилла ака қаердалар?.. Рихситилла ака бормилар?..

Устма-уст берилаётган саволларга қабулхона секретари билан директор ўринбосари Рўзимат Анорметов жавоб бериб улгура олишмаяпти. Р. Ҳусанов ўқитувчилар Бутуниттифоқ съездига делегат бўлиб Москвага кетган.

— Рихситилла ака-ни яхши ташкилотчи сифатида биламан,— дейди ишлаб чиқариш таълими мастери Энвер Ёқубович Измайлов ҳурсанд кайфиятда. Ўн бир йил муқаддам мана шу ўқув даргоҳи эндигина қурилган эди. У киши ўқув базасини ташкил этишда, янги Тошкент қурилиши учун зарур бўлган қалдирғоч қурувчи кадрларни етиштириб беришда ҳаваскам жонбозлик кўрсатмади. Ўтган даврда турли касб эгаларидан беш мингга яқин мутахассис етишиб чиқди.

Илғорлари ФЗУ, ГПТУ сўзлари, бўёқчи, суворчи, электр пайвандчи касби бўйича ота-оналарга эриш туюлиб, улар ўғил-қизларини кўпроқ бошқа касбга беришга мойил бўлар эдилар. Рихситилла ака қурувчилик касбининг афзал эканлигини радио, телевидение орқали ота-оналар онгига сингдира билди. Мактаб ўқувчилари ҳузурида, маҳалла йиғилишларида сўзлади... Бу йил билим юртидаги 604 ўринга 650 га яқин ариза тушди.

Билим юрти кадрлар тайёрлашда Иттифоқимиздаги 3200 билим юрти ўртасида кенг кўламдаги моддий-техника база бўлиб танилди. Унинг бундай шуҳрат топишида кекса коммунист, ташкилотчи мураббий, халқ депутати, Чилонзор район партия комитети аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Крупская номли медаль соҳиби Р. Ҳусановнинг ҳиссаси катта. Унинг кўп йиллик самарали педагогик фаолияти Олий мукофот билан тақдирланди. Моҳир педагогни биз ҳам қаҳрамонлик унвони билан чин қалбдан табриклаймиз.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

ПАРТИЯ МАКТАБИНИ БИТИРИБ ЧИҚИШДИ

Тошкент олий партия мактаби тингловчиларининг навбатдаги битириш маросими бўлди. Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон партия ташкилотларининг 162 вакили дипломлар олдилар. Кўплар ўқишни имтиёзли тугатишди.

29 июнда партия мактабининг тингловчилари ва муаллимлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига келишди. Пиёлаларда сўзлаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков битирувчиларни ўқиш тугатган билан қутлади, уларга ишда муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ СОВЕТ ОРБИТАЛ КОМПЛЕКСИ «САЛЮТ-6»—«СОЮЗ-29»—«СОЮЗ-30» ИЧИДА

ТАСС АХБОРОТИ

Яна Ер атрофи орбитасида «Салют-6» орбитал станцияси билан иккита «Союз» космик кемасидан иборат бошқарилаётган илмий-тадқиқот комплекси вужудга келтирилди. Комплексда халқаро экипаж — Коваленок, Иванченков, Климук ва Германшевский ўртоқлар ишламоқдалар.

«Союз-30» кемаси станциянинг агрегат бўлинмасида жойлашган туташтирувчи узелга туташтирилди. Космонавтлар Климук ва Германшевский туташтириш узелининг герметиклигини текшириб кўргач, «Салют-6» станцияси хонасига ўтдилар.

«Салют-6» — «Союз-29» — «Союз-30» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида етти кун ўтиш давомида космонавтларнинг халқаро экипажи тадқиқотлар ва экспериментлар программасини бажариши лозим, бу тадқиқот ва экспериментларнинг бир қанчасини Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикасининг олимлари биргаликда ишлаб чиққанлар.

Коваленок, Иванченков, Климук ва Германшевский ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. «Салют-6 — «Союз-29» — «Союз-30» космик комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Халқаро экипаж ўтиш программасини бажаришга киришди.

• *Шаҳар—қишлоққа*

ҒАЛЛА ЙИҒИМ-ТЕРИМИДА

(РЕПОРТАЖ)

Қишлоқ кўчасининг ҳар икки тарафида Жиззах областининг «1-Зомин» совхози галлазорлари ястаниб ётибди. Олтин ранг далалар бир текис шовиллайди.

— Қаранглар,— дейди Зомин район ижроия комитети раисининг ўринбосари Оқбўта Умаров.— Бу йил галламиз жуда яхши ҳосил берди!

Дарҳақиқат, бу йил улар галлалан мўл ҳосил олишмоқда. Ҳар гектар ердан планда кўзда тутилган 6,8 центнер ўрнига 17—18 центнердан дон йиғиштириб олишяпти.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг студентлари айни кунларда қишлоқ меҳнаткашларига яқиндан ордам беришмоқда. Тошкентдаги республиканинг энг йирик олий ўқув юрти билан Жиззах области дала меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик алоқалари жуда мустаҳкамдир. Студентлар баҳор ойларида дон-дун йиғиштириб олишга ёрдам беришса, куз ойларида «зангори кема»ларни бошқаришади. Бундан студентлар ҳам манфаатдордир. Улар институтда олган билимларини бу ерда синаб кўришади.


Бу йил Жиззах области Ғаллаорол ва Зомин районларининг далаларида ТИИИМСХ институтининг 3-курс студентларидан 200 нафари меҳнат қилишмоқда. Улар механизатор филокордлар камуналарини кўрсатишяпти.

Жиззах областида 2,5 минг комбайнчи областнинг энг яхши комбайнчиси номини олиш учун курашмоқда. Июнь ойи биринчи ўн кунлигининг якунига кўра, қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетининг 3-курс студенти Эшмурод Тошев область комбайнчилари мусобақасида голиблик қилди. У яқиндагина комбайн рулини бошқара бошлаган бўлса ҳам ҳозир моҳир комбайнчи сифатида ном қозонган.

Бундан айниқса Эшмуроднинг устози Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери М. Бекмуродов хурсанд бўлмоқда. Ҳозир Тошевнинг комбайнида алвон вимпел ҳилпирамоқда.

Шу кунларда у планда белгиланган 6 гектар ўрнига 12—13 гектардаги майдонда меҳнат қилаяпти. Ҳар сменада 16—18 тонкадан дон янчиб, нормасини қарийб 4 марта оширибгина бажармоқда. Хўжаликда бундай йигитлар кўп. С. Шукуров, О. Пўлатов, Ч. Ҳошимов, М. Ўрмонов каби студентлар ҳам жуда яхши меҳнат қилишмоқда.

Ғаллаорол районига анча кеч етиб келдик. Карл Маркс номли совхознинг галлазорларида эса иш ҳамон қизғин давом этарди.



Совхоз ишчиларига 35 нафар студент ёрдам бермоқда. Студентларнинг етакчиси, ёш коммунист, группа старостаси Н. Дўстмуродова янги «Нива» комбайнини беришди. У ўзининг интизомлилиги, меҳнатсеварлиги билан бошқаларга ўрнакдир. У билан бирга А. Файзуллаев, А. Омонов, Ш. Жаркимов сингари тошкентлик талабалар ҳам меҳнат қилишмоқда. Улар ҳар куни 8 центнер ўрнига 10—12 центнердан галла йиғишмоқда.

— Студентлар дастлабки иш кунларидаёқ институтда яхши билим олганликларини исботлашди,— дейди қишлоқ хўжалик машиналари кафедрасининг доценти Келдибек Исаев.— Улар билимларини амалий меҳнатда синаб кўришмоқда. Бу кейинчалик уларга жуда асқотади.

Комбайнлар чироқларини ёқишди. Энди қаерда совхоз механизаторлари, қаерда студентлар ишлаётганлигини билиш қийин бўлиб қолди. Ғаллазорлардаги сокинликни комбайнлар олдига пешма-пеш келиб турган юк машиналари двигателларининг товуши бузади. Улар совхоз хирмонлари томон шошишмоқда...

В. ЭНКЕР.
«Тошкент оқшоми» мухбири.
Тошкент — Зомин — Ғаллаорол.

* * *

СУРАТЛАРДА: «1-Зомин» совхози комбайнчилар бригадасининг бошлиғи Яхшибой Холбоев студентга топшириқ бермоқда.

Комбайнчи студент (чапдан) А. Омонов, қишлоқ хўжалик машиналари кафедрасининг доценти К. Исаев ва группа старостаси, ёш коммунист Н. Дўстмуродов.

А. Герасимов фотолари.

ҲАР ЙИЛГИДАН КЎП

Шаҳримиздаги 63-ўрта ҳунар-техника билим юртини бу йил 546 ўғил ва қиз битириб чиқди. Ўқувчилар билим даргоҳида бўёқчи-сувоқчи, дурадгор, электр пайвандчи, суворчи-ганч ўймакори каби касбларни эгалладилар. «Главташкентстройнинг базаси ҳисобланган бу билим юрти якинда ҳар йилгидан кўп мутахассисларни турли қурилиш трестларининг бошқармалари ихтиёрига юборди. Кўпларига мутахассислик дипломини олган комсомол-ёшлар ўрнини эгаллаш учун олти юздан ортиқ талабгорлар ариза беришди.

— Янги ўқув йилига ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди,— дейди ҳунер-техника билим юрти директори Р. Ҳусанов. — Янгидан ўқишга қабул қилинганлар йигирмата группада ўқишади. Умумон ўқувчилар сони бир минг саккиз юздан ошди. Ҳадемай булар ҳам курувчилар сафидан муносиб ўрин эгаллашади.

Янги экспонат

«Узплодоовощпром» бирлашмасининг марказий конструкторлик технология бюроси лойиҳачилари Самарқанддаги «Ўрок ва Болға» консерва заводининг Тайлоқ посёлкасида бунёд этилаётган филиалининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказдилар.

Мутахассислар и ш г тайёрлаган лойиҳасида ишлаб чиқариш ва маъмурий-маиший корпуслар, ёрдамчи ва омбор иншоотлари қурилиши мўлжалланган. Тозалаш иншоотларининг системаси атроф-муҳитнинг муҳофазаси бўйича нормативларни ҳисобга олган ҳолда қурилади.

Шу йилнинг кузида бу ерда дастлабки ҳосилни қайта ишлаш мўлжалланган. Корхона ишга тушгандан кейин унинг ишлаш потоклик линияси бир йилда 24 миллион шартли томат консерва банкасини тайёрлашдан иборат.

Ана шу конструкторлик-технология бюросининг мутахассислари ўз фаолиятини бошлаганига уч йил бўлишига қарамай, саёзбаотни қайта ишлаш бўйича 15 корхонанинг лойиҳасини яратдилар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Л. И. Брежнев ва Э. Герек ўртоқлар «Салют—6» — «Союз—29» — «Союз—30» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг халқаро экипажи — космонавтлар Коваленок, Иванченков, Климук, Германшевскийларга табрикномада йўлладилар. Табрикномада, жумладан, бундай дейилади: сизларнинг биргаликдаги учишингиз советполяк бузилмас дўстлиги ва самарали ҳамкорлигининг янги тимсолидир. халқларимиз қардошлигининг, бутун социалистик ҳамдўстлик бирлигининг яққол кўринишидир.

Социалистик мамлакатлар халқларимиз ва бутун инсоният манфаатлари йўлида космосда биргаликдаги тадқиқотлар программасини планли равишда ва изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Совет ва поляк космонавтларининг халқаро парвози — космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида қўйилган навбатдаги қадамдир, бу иш «натеркосмос» программасида қатнашувчи социалистик мамлакатлар томонидан биргаликда амалга оширилмоқда. Унинг илмий-техникавий аҳамияти катта бўлиб, ҳар томонлама ҳамкорлигимизни яққол ифодалайди, социалистик интернационализмнинг буюк кучи ва имкониятларини намойиш қилади.

Л. И. Брежнев ва Э. Герек ўртоқлар космонавтлар ўз олимларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли уддалайдилар, деб қаттиқ ишонганликларини изҳор этишдар, экипажга жонажон ерга эсон-омон қайтиб тушишини тиладилар.

(ТАСС).

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги республика раҳбар ходимлари малакасини ошириш институтида ўтказилган илмий-амалий конференция «Жамоат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишда меҳнат ҳуқуқининг роли» деган темага бағишланди.

Ана шу конференцияда Ўзбекистон ССР юстиция министрининг ўринбосари К. А. Аҳмаджонов, «Ўзколхозстрой» бўлимининг бошлиғи М. Ш. Шералиев, шу институт доценти, иқтисод фанлари кандидати А. Г. Саутов, республика Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири, юридик фанлари кандидати М. М. Файзиев, Тошкент олий ички ишлар мактабининг кафедра мудири, юридик фанлари кандидати А. Ш. Муҳаммаджонов ва бошқа кўпгина олимлар докладлар қилдилар.

Улар ўз докладларида маҳсулот сифатини оширишда меҳнат ҳуқуқининг аҳамиятини тушунтириш ва социалистик мулкчиликни сақлашнинг таъминлаш ҳақида гапирдилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● **СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Мадагаскар Демократик Республикасининг Президенти Дидье Рацирака 29 июнь куни расмий визит билан Москвага келди.**

● Республика нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети билан Ўзбекистон журналистлар союзи область, шаҳар ва район газеталари масъул секретарларининг семинарини ўтказдилар. Докладлар ва ахборотларда газеталарни безаш, уларни ўз вақтида чиқариш, полиграфия базасини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланишга кўп эътибор берилди.

Редакцияларнинг секретарлари орттирилган тажрибаларни бир бирлари билан бақамаслашдилар, республика газеталарининг етакчи ходимлари билан учрашдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида нашриётнинг бошлиқлари билан учрашдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БЕЛГРАД. Югославиянинг Порторож шаҳрида очилган «Думалоқ стол атрофида» халқаро учрашувида ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий проблемалари, ер ёритишда оммавий информация воситалари, янги роля махсус қилиб олинган. Учрашув ишида қарийб 40 мамлакатдан, шу жумладан Совет Иттифоқидан юзга яқин журналистлар қатнашмоқдалар.

● БОЙИ. Мобуту режими Заирга Хитой қуролларини етказиб бериш тўғрисида Пекин билан музокаралар олиб бормоқда. Заир армияси қўмондонлиги вакилларининг Киншасада бўлган матбуот конференциясида маълум қилишларича, бунда гап Хитойдан танклар ва тортадиган артиллерияни олиш тўғрисида боришётир. Гарбий Германиянинг «Ун, зере цайт» газетаси бугун шу хабарни берди.

Маълумки, Хитой Халқ Озодлик армияси бош штаби бошлиғининг ўринбосари Генерал Чи Хао-Тянь бошчилигидаги Хитой ҳарбий делегацияси Заирда турибди.

● ДЖАЛИ. 420 километр узунликдаги нефть қувури Кеч қўлтиғидаги «Гумарат штати» нефть конлари билан Кобейлидаги заводни бир-бири билан боғлади. Қувур ишга тушишидан олдин Совет Иттифоқи бирлашма қурилган қувурга 3 миллион тоннадан ортиқдаги корхона ишлаб кўп нефть маҳсулотлари ва ҳоказо. Ой ичида ишлаб чиқара олади. СССРнинг ёрдами билан Ҳиндистонда қурилган объектлар ҳозир мамлакатда қайта ишланаётган нефтнинг 32 процентини ва ёқилғи мойларининг 70 процентини таъминлаб турибди.

● БЕРЛИН, ГДР пойтахти металлсозларининг новаторлари ва рационализаторлари таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишларидан 60 миллион маркадан ортиқ иқтисодий самара олишди. Бу сана, ўтган йилги кўрсаткичлардан 33 процент ошибди. Республика саноати шу тариқа механизациялаш ҳозир фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан ишлаб чиқаришда кенгроқ фойдаланишга асосий эътиборни қаратмоқда.

● ПАНАМА. Бу ерда Ўртаер халқи билан ёрдамлари Панама комитети тузилди. Комитет, ин тасис этиш мароси-мида шоирлар, ёзувчилар, студентлар, ишчиларнинг, Панама шаҳар ҳокимлигининг ходимларининг намояндалари қатнашдилар.

Комитет раёсатининг мирзаси сифатида Ўртаер халқи билан ёрдамлари Панама комитетига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига келишди. Пиёлаларда сўзлаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков битирувчиларни ўқиш тугатган билан қутлади, уларга ишда муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрининг ижодкорлари Ленин комсомолининг 60 йиллик юбилейига бағишлаб тайёрлаган «Қорақум фожиаси» спектаклининг жамоатчилик кўриги бўлиб ўтди. Қозоқ адиби О. Бадиковнинг «Қорақум фожиаси»» драматик асари 20— 30 йилларда ёш Советлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб борилган садоқатли кураш, бойлар, ва босмачи галаларни тор-мор келтириш воқеалари асарга қамраб олинган. Пьесани Ў. Умарбеков ўзбек тилига таржима қилган. Спектаклда ёш артистлардан Ш. Иногомова. Қ. Абдуллаев, Х. Знёмуҳамедов, Э. Раҳимов ва бошқалар асосий ролларни ижро этмоқдалар.

Бугун

Тошкент область комсомол комитети ёш бунёдкорларининг навбатдаги отрядини Бекободдаги Ленин номли металлургия комбинатининг навбатдаги ишлаб чиқариш корпусини қурилишига сафарбар этди. Зарбдор қурилишга жўнаб кетган ёшлар орасида Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаган ёшлар, электр-монтажчилар. слесарлар. техниклар. қурувчилар бор.

Область комсомол комитети мамлакатимиздаги йирик зарбдор қурилишларга оталиқ ёрдами кўрсатиш анъанасини давом эттирмоқда. Шу йилнинг ўзида Иваново областининг ноқоратупроқ зона ерларида бунёд этилаётган хўжаликларда ишлаш учун 535 ёш сафарбар қилинган эди.

авиаторлар клубида Тошкент авиация корхоналари авиация ходимларининг КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларига бағишланган илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Тошкент авиация бўлинмаси командирининг ўринбосари В. П. Братин «Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларида авиация ходимлари ўртасида олиб борилаётган ишларнинг устуба ва методларини такомиллаштиришда партия ташкилотларининг вазифалари» деган мавзуда доклад қилди.

Шундан кейин Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, жанг майдонларида душманнинг ўн битта самолётини уриб туширган В. А. Дронов, кекса гражлан авиацияси ходими Н. Н. Железнов, Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, сиёсий маориф кабинетининг мудири, запастаги полковник П. П. Карпов Леонид Ильичнинг китобларидан олган жуда катта бой таассуротлари ҳақида йиғилганларга гапириб берди. Экипаж, бу ишкала асарнинг зўр тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги, уларда совет кишиларининг жасорати ҳар томонлама ва ҳаққоний ёритилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Тошкент минерал суплари корхонасининг коллективи пойтахтнинг савдо тармоқларига 160 минг шиша минерал сув жўнатди. Саратоннинг ана шу завирамали кунларида бундай ичимликни ишлаб чиқариш қарийб икки марта кўпайди.

Ҳозирги пайтда корхонада ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, экологи толган ускуналарга янгиларн билан алмаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ишлаб чиқилган ўғатилган янги аппарат туфайли минерал суплариниг газлаштириш сифати анчагина яхшиланди.

Эртага

Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатчиларидан бир группаси, дам олиш вақтларини анчадан ўтказиш мақсадида сўлим ерларга бориб келишга йўл олишлар. Уч сайёҳ бирлашманинг Ангрен шаҳрида. Тошкент денизида бўлишади. Йўлакчи шаҳри ва ҳимоячилари эса Қапчағай денгизида бўлишади.

Пойафзалчилар янги ойлани бошлаб ҳар тарафи ва яшнаб кунлари кўлни тафтиб кунгилга дам олишни. кайфиятга эга бошлашдилар. Корхонанинг Тошкент денизида жойлашган махсус дам олиш базаси ишчиларнинг ҳордиқ чиқаришда кўл келмоқда.

• *Коммунист ўйлари*

ИЗЛАНИШ ЙЎЛИДА

Корхонамиз коллективи ўнинчи беш йилликнинг асосий шиори — ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашда ой сайин қувончли ютуқларга эришяпти. Ўтган юбилей йилида эришилган муваффақиятларни тобора мустаҳкамлаб боряпмиз. Агар беш йилликнинг иккинчи йилида бирлашмамиз коллективи маҳсулот реализация қилиш планини 100.9 процент адо этиб, планга кўшимча 1 миллион 616 минг сўмлик маҳсулот реализация қилган бўлса бу йил ундан ҳам юксакроқ марраларни кўзлаб меҳнат қиляпмиз.

Инженер-техник ходимлар, ишчи-хизматчиларнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йилда социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубида ишлаб чиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланиш, муттасил изланиш борасидаги кўрсатмаларига риоя қилиб меҳнат унумдорлигини тобора ошириб бормоқдалар. Агар меҳнат унумдорлиги 1976 йилга нисбатан ўтган йили пландаги 3.1 ўрнига 4.5 процент ўсган бўлса бу йил бу кўрсаткич янада юқори бўлишига шак-шубҳамиз йўқ.

Ҳамкасбларимиз ишлаб чиқариш резервларидан, материаллар ва ярим фабрикатлардан унумли фойдаланиш ҳисобига планга қўшимча 2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга ҳаракат қилмоқдалар. Меҳнат унумдорлиги бўйича, йиллик планни ошириб бажаришни кўзда тутяпмиз.

Биз Москвадаги «Динамо» заводи ишчиларининг меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан ўз шахсий плани бўйича ишлаш тўғрисидаги ташаббусига қўшилиб меҳнат қиляпмиз. Ҳозир бу ташаббус бўйича юзлаб ишчилар меҳнат унумдорлигини ошириш шахсий плани асосида меҳнат қиляпти. 800 дан зиёд ишчи ўз шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга сўз беришган. Улар шу кунларда ўз ваъдларига вафо қилмоқдалар.

Ўзим ҳам социалистик мусобақада актив иштирок этишга, ишлаб чиқариш резервларидан унумли фойдаланишга интилянман. Рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати ҳам кенг авж олмоқда. Бунда инженер-техник ходимлар билан бир қаторда ишчилар ҳам ғоят активлик кўрсатишаётгани қувонарлидир. Мен ўзим ўтган йили ишлаб чиқаришга ўн бешта таклиф киритган эдим. Улар корхонага икки минг сўмликдан зиёд фойда келтирди. Ҳамкасбим И. Ануфриев киритган таклиф ҳам минглаб соф фойда келтирмоқда. Ҳар бир коммунист, ишчи ўз имкониятини чамалаб, зиммасига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилган. Шу кунларда ана шу юксак ваъдга яраша зарбдор меҳнат қиляпмиз. Беш йилликнинг учинчи йилини ҳар қачонгидан қувончлироқ ютуқлар билан кутиб олишга ишончимиз комил.

А. ТИТОВ,

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси коммунистик меҳнат зарбдори.

• *Совет турмуш тарзи*

Ҳавас қилса арзийди

Киров районидаги Тельман номли маҳаллада Эргаш ака Назировлар оиласини меҳнатдан бахтиёр топган оилалар сифатида тилга олишади. Бу оила фарзандларини ахлоқу одобда, илму фозилликда, касб-кор эгаллашда ибрат қилиб кўрсатишади. Бу бежиз эмас. Фарзандлар ақлу одобидан эл-юртгина эмас, уларни тарбиялаб воягa етказган ота-оналари ҳам мамнун.

— Болаларимиз ўқиган ўрта мактабда талай йиллар давомида ота-оналар комитетига раислик қилдим, — дейди онла бекаси Қўндуз опа. — Фарзандларимиздан бирортаси юзимни ерга қаратмади. Мана, Юлдузхон мактабни кумуш медаль билан тамомлаб, фармацевтика институтига кириб ўқиди. Уни аъло баҳога тамомлаб, шу институтда идмий ходим бўлиб ишлаяпти. Муроджон эса алоқа институтини муваффақият билан тамомлади. Ҳозир алоқа техникумида автоматикадан, электрон ҳисоблаш машинасидан дарс бермоқда. Қизимиз Ойдин политехника институти нефть-газ факультетининг III курсида ўқияпти. У факультетда ёшлар етакчиси — комсорг.

Ойдиндан кейинги қизимиз Гавҳар Тошкент Давлат университетининг ҳисоблаш математика факультетида таълим олияпти. Кенжа ўғилларимиз — Маъруф ва Мақсуджонлар ҳам опа ва аналари изидан боришяпти.

Бунда албатта ота-она ибратли ҳаётининг таъсири катта.

Улуғ Ватан уруши бошланганда оила бекаси Охунбобоев номидаги медицина техникумида ўқирди.

Қўндуз опа заводда ишлади. Уни «мотористка қиз» дейишарди. 1942 йил 8 октябрь куни уни республика Олий Совети биносига таклиф қилишди. Ўшанда Йўлдош ота Охунбобоев «Ватан ҳимоясида бардам курашаётганинг учун катта раҳмат, қизим!» деб унинг кўлига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлигини тутқазганди.

Ҳа, бундай дамлар бир умрга ёдда сақланиб қолади. У 1943 ва 1971 йиллари «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан икки марта мукофотланди. Кейин 1976 йилда эса у «Меҳнат ветерани» медали билан тақдирланди.

Оила бошлиғи Эргаш ака ҳам немис-фашист газандаларига қарши мардонавор курашиб, Ватан урушидан қўша-қўша орден, медаллар билан омонсон қайтганлардан бири. У бош суяги, кўкрак, чап курак кабы беш жойидан яраланган. Улуғ Ватан урушининг учинчи группа инвалиди бўлишига қарамай фарзандларини замонага муносиб, эл-юрт хизматига ҳозиру-нозир, ажойиб инсонлар қилиб воягa етказишга муваффақ бўлмоқда.

— Биз болалар тарбиясига алоҳида аҳамият берамиз, —дейди у. Ахир «Қуш уясида кўрганини қилади», деган мақол бежиз тўқилмаган-да. Шунинг учун ҳам ҳар соҳада ўзимиз ибрат бўлишга ҳаракат қиламиз. Касб-кор эгаллашни маслаҳат бериб, ҳунарга ҳавас уйғотамиз.

Коммунист Эргаш ака ва Қундузхон опа Назировлар тарбиялаб, воягa етказишган, ота-она, маҳалла-қўйнинг фахри бўлиб қолган фарзандларга ҳавас қилса арзийди.

Р. ҚОДИРОВ,
жамоатчи мухбир.



СУРАТДА: Назировлар оиласининг бахтиёр даврани. Бу оиланинг оддий турмушида бахтли даврамизнинг, хуш замонамизнинг барча фазилатлари, улуғворлиги ўз ифодасини топган. Эргаш ака ва Қундуз опа Назировларни фарзандлари Юлдуз, Гавҳар, Ойдин, Мурод, Мақсуд ва набиралари Жаҳонгирлар даврасида кўриб турибсиз.
М. Нуриддинов фотоси.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАБАРЛАР

• ИШЧИ — ҲАМКАСБИ ҲАҚИДА

ИШЧАН ТОКАРЬ

Вельмура 1974 йил ўрта мактабни тугатгач «Средазгипроводхлопок» институтининг механика устахоналари бўлимига ишга келди. У даставвал бир цехда слесарь бўлиб ишлади. Ёш Вельмуранинг меҳнатсеварлиги, хушмуомалалиги туфайли коллективда обрўси ортди.

Бир куни Вельмурани ўн тўққиз йилдан буён токарь бўлиб ишлаган, ҳозир устахона бўлимига бошчилик қилаётган Б. А. Озеров ёнига чақириб:

— Мана шу «1983—М» маркали трубакесгич станокини бошқаришни сенга топширмоқчимиз, — деди.

— Агар ўргатсангиз, майли, — деди Вельмура ҳам ҳаяжонга институтини муваффақият билан тамомлади. Ҳозир алоқа техникумида автоматикадан, электрон ҳисоблаш машинасидан дарс бермоқда. Қизимиз Ойдин политехника институти нефть-газ факультетининг III курсида ўқияпти. У факультетда ёшлар етакчиси — комсорг.

1975 йил оҳлари эди. 1-разрядли токарь Вельмура Маметов ўз ишидан беҳад мамнун. Берилган планни бажариш ҳаракатида тинмай изланади.

Кутилмаганда Вельмурани қўлига почтальон повестка тутди. У Ватан олдидаги бурчини ўташга отланди. Ўша куни цехда хайрлашув кеча уюштирилди, кечада Вельмура ҳам сўзлади. У Ватанга сидқидилдан хизмат қилишга, яна шу корхонага қайтиб келиб ишлашга сўз берди.

Эндиликда Вельмура IV разрядли токарь, ойлик нормасини ошириб адо этяпти. Жамоат ишларида фаол иштирок этади. Ўз тажрибали токарь И. Огошко билан беш йилликнинг учинчи йилида ўзаро мусобақа бўйича шартнома тузган. Бу мусобақа ҳар икки ишчи учун ҳам фойдали бўляпти. Биз ғайратли ишчи В. Маметовга келгусидаги ишларида омад тилаймиз!

Ҳ. ОТАҚУЛОВ,
ишчи.

ЙИЛЛИК ПЛАН ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРИЛДИ

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — ШИОРИМИЗ

УСТОЗДАН ЎЗГАН ШОГИРД

ЯНГИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАСИ

ПИРИ БАДАВЛАТ ОИЛА

ЙЎЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

• БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

МОҲИР ТЎҚУВЧИ

Машқура Қодирова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида «Ўнлар ташаббуси»га биринчилар қатори қўшилган эди. У ҳозир ўз сўзининг устидан чиқиш учун барча имкониятларни ишга солиб, пешқадамлар сафида самарали меҳнат қилиб келяпти. Машқура кунлик нормадаги 100 килограмм ўрнига 120 килограмм калава ишлаб чиқаряпти.

Хўш, моҳир тўқувчи қиз бундай ютуқларга қандай эришяпти?

— Устозларим Раиса Маткаримова ва Шоира Ҳолмуҳамедоваларнинг бой тажрибаларидан ўрганиш, янги техника ва технологияни ўзлаштира бориш туфайли қувонарли ютуқларни қўлга киритяпман, — дейди у.— Аввал икки машинани, сўнгра учта, ҳозир эса бешта машинани бошқаряпман...

Коллективда социалистик мусобақанинг тўғри йўлга қўйилганлиги сифат ва самарадорликка эришишда катта аҳамиятга эга бўляпти. Мана бир неча йилдирки, бирлашма коллективи Украина ССРнинг «Луч» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси билан беллашиб келади. Ҳар йили икки корхона бир-бирига делегациялар юбориб, социалистик мусобақага якун ясашлари ва бундай пайтда тўқувчиларнинг бир-бири билан ўзаро тажриба алмашишлари юксак марраларни қўлга киритишда асосий омиллардан бири бўлиб қоляпти. Албатта, Машқура ҳам зина шу қадрдон республика тўқувчиларининг тажрибасидан ўрганиб самарали меҳнат қиляпти.

Н. ҚЎЧҚОРОВ,
хизматчи.



Мамлакатимиз пахтакорлари учун кўсак чувиш агрегатлари, пахта подборщиклари, селлна каби комплекс машиналар етказиб бераётган Узбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи шу кунларда янги маркада модернизацияланган УПХ—1,5 «В» кўсак чувиш агрегатларини кўплаб тайёрламоқда. Янинда фотомухбир Н. Маликов шу корхонада бўлиб коллектив ҳаётини акс эттирувчи бир нечта суратлар олиб кайтди. Унинг диққатингизга ҳаво этилаётган ушбу фотолавҳасида илгор йиғувчи слесарь Носир Маҳсудов ва пешқадам бўёқчи Мария Бурейколар навбатдаги машиналарни тайёрлаш пайтида тасвирланишган.

ДЕҲҚОНГА ҲАМКОРЛАР

Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти Бош бошқармасига қарашли 4-автомобиль паркининг транспортчилари йил бошидан оталиқдаги хўжаликларга кўкламги экиш кампанияси даврида ёмғирлатиб жамоаларга, ишлов бериш, галла ўрим-йиғимини ва қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда яқиндан ёрдам бериб келишяпти.

Ҳайдовчи З. Сулаймонов бошлиқ ремонтчилар бригадаси Сирдарё областининг Комсомол районидаги «Москва» колхози дала механизаторлари билан ёнма-ён туриб ана шундай хайрли ишларни амалга оширди. Улар ўзлари билан автолетучка, ремонт устахонасини олиб боришган эди. Бу — жойларда техникани ремонт қилишда жуда қўл келди.

• *Сайловчилар накази асосида*

АҲОЛИ МИННАТДОР

Сергели район Чошгепа массивидаги «Маданият» маҳалласининг оқсоқоллари катта шодиёнага тўпланишдилар. Сергели район ижроия комитетининг раиси М. Ниязов «Маданият» маҳалласи территорияси бўйича 3500 погон метр табиий газ қувурлари монтаж қилингани, шу кунга қадар 276 хонадон газлаштириб бўлинганлиги ва яна 700 хонадонда монтаж ишлари олиб борилаётгани устида тўхталиб, қурувчиларга район партия ва ижроия комитетининг табригини топширди.

«Зангори олов»ни биринчи бўлиб ёқиш маҳалла оқсоқолларидан бири Илҳомбек ота Иноғомовга топширилди.

«Маданият» маҳалласида табиий газ трассаси ишга туширилиши муносабати билан аҳоли номидан маҳалла комитетининг раиси Р. Мухсимов сўзга чиқиб, қурувчиларга миннатдорчилик билдирди ва район Совети ижроия комитети сайловчиларининг наказаларини бажариш борасида қилаётган ишлари устида ҳам тўхталиб ўтди. Чунончи кейинги 4—5 йил ичида маҳаллани ободонлаштириш ва маиший хизмат кўрсатиш ишларига жуда катта эътибор берилиб, шу территорияда замонавий мактаб биноси, кутубхона, маданият уйи, ошхона қурилиб халқ хизматига топширилди, кўчалар ёритилди, маҳалла ичкарисидаги йўлларга тўла-тўкис асфальт қопланди ва ҳоказо. Ҳозирги кунда кинотеатр ва замонавий гастроном биноларини қуриш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

Ҳ. ОҲУНОВ,
Узбекистон ССР Фанлар академияси, ҳисоблаш марказий кибернетика институтининг кичик илмий ходими.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Шу кунларда Бешқайрағоч массиви аҳолисига яна бир қулайлик яратилмоқда. Зиё Санд кўчасида қад кўтараётган икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш комбинати тез орада мижозларга ўз эшикларини очади. Бу ерда модалар ательеси, сартарошхона, фотосалон, пойафзал ремонти ҳамда радио-телевизор тузатадиган устахоналар, «Химчистка» фабрикасининг қабул пункти аҳоли хизматида бўлади. Шу кунларда янги маиший хизмат кўрсатиш комбинатида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Л. ҲАМИДОВ,
газетхон.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

МЕЪЁРИДА БЎЛСА

Шаҳримиз обод бўлиб борган сайин йўлсозлик ишларига катта аҳамият берилмоқда. Аммо жорий ремонт ишларининг сифати ҳар доим ҳам яхши бўлмаяпти. Айниқса йўл ўрталаридаги чуқурчалар ремонти сифатига эътиборсизлик билан қараляпти.

Масалан, Навоий ва Ленин проспектлари, Киров ва бошқа кўчалардаги чуқурчалар анча ўнқир-чўнқир қилиб кўмилган. Асфальт қоришмаси меъёридан ортиқ сарфланганн учун ҳам йўл ва йўллар ана шундай нотекис бўлиб қоляпти. Бунда чуқурчалар кўмпладию, пайдо бўлган дўнгликка йўловчилар қоқилишади, ўтаётган машиналарни эса силкитиб юборади.

Агар йўлсозларимиз бунга эътибор берисса, ҳам қоришма тежалар, ҳам йўллар текис бўлган бўларди.

М. ҲАКИМОВ,
газетхон.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ЭЪТИБОР КЕРАК

Бу йил «Гулшан» маданият ва истироҳат боғи ўзгача файз касб этган:

Паркда мороженоехона, ошхона ва чойхона ишлаб турибди. Аммо Куйбишев район ошхоналар трестига қарашли чойхона талабга мутлақо жавоб бермайди.

Чойхона самоварига тошкўмир ёқилади. Ундан бурукснб чиққан тутун паркнинг соф ҳавосини бузиб, дам олаётганларни беҳузур қилмоқда.

Бу ҳақда чойхона мудирига айтавериб чарчадик. Аммо бирон натижа чиқмаяпти. Куйбишев район ошхоналар трести раҳбарлари бунга нима дер экан?

Ф. РАҲМОНОВ, пенсионер.

• *Ким бўлсам экан?*

Сафимизга қўшилинг

Бундан йигирма йил муқаддам ўнинчи синфни битириб, ҳозирги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келганимда тикув машиналарининг гуриллаб ишлашидан ҳам чўчийдиган ёшгина қизалоқ эдим. У пайтларда менда, ҳали ҳаётий тажриба ҳам, меҳнат кўникмаси ҳам йўқ эди. Мен юзлаб кишилар меҳнат қиладиган катта корхонада ишлаб, бирон бир муваффақият қонишимга шубҳа қилардим.

Шундан бери кўп сувлар оқиб ўтди. Илк устозларим Валя Фролова, Анна Ремизовалар менга тикувчилик касбининг алифбосини сидқидилдан, сабр-тоқат билан ўргатишди. Йиллар ўтиши билан тенгқур дугоналарим қатори тикувчиликдаги қўпгина операцияларни пухта ўрганиб олиб, секин-аста пешқадам ишчилар сафидан ўрин олдим. Партия ва ҳукуматимиз камтарона меҳнатимни юқори баҳолаб Меҳнат Қизил Байроқ ордени, қатор медаллар билан тақдирлади. КПСС XXV съездига делегат, Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат бўлиб сайландим.

Шаҳримиздаги кўпгина саноат корхоналари қатори бизнинг бирлашмамизда ҳам ёшларнинг касб ўрганиши, кейин ишлаб туриб ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Бизда ишлашни хоҳловчи ёшлар бирлашмамиз қошидаги 127-ҳунар техника билим юртида тикувчилик касбини ўрганадилар. Уларга бирлашма стипендия тўлайди, бепул ётоқ билан таъминлайди. Бу билим юртини тамомлагач ёшлар цехларда анча вақтгача мураббилар оталигида меҳнат қилиб, улардан маҳорат ўрганишади.

Бирлашмамизнинг 2, 6, 7-тикувчилик цехларидаги ишчиларнинг асосий қисми ёшлардан иборат. Уларнинг кўпчилиги ишлаш билан бирга техникумлар, олий ўқув юртларининг сиртқи, кечки бўлимларида ўқишади. Бу ёшлар бизнинг муносиб ворисларимиз, катта корхонамизнинг келгусидаги ҳақиқий эгаларидир.

П. АБДУРАҲМОНОВА,
Узбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-цехининг дазмолловчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.



Шаҳримиздаги агрегат заводининг аҳил коллективи сифат ва самарадорлик йилида социалистик мусобақани тобора авж олдириб яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Сиз штатсиз фотомухбир И. Шоиногомовнинг редакциямизга йўллаган ушбу суратида шу корхонанинг 2-цех слесари Владимир Николаевич Самаринки кўриб турибсиз. Коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга сазовор бўлган бу пешқадам ишчи кунлик нормасини мунтазам равишда ортиғи билан адо этаётир.

Ҳам кулаверсиз, куяверсиз

АЛДАГАНИ ОБУНАЧИ ЯХШИ

Саиджоннинг тоқати-тоқ бўлиб яна 132-почтага борди. Ҳар доим бўлганидек бу гал ҳам почта хизматчилари уни қовоқларини уюб кутиб олишди.

— Келинг, яна нима хизмат,— деб тўнғиллади улардан бири Саиджонга қараб.

— Нима хизмат бўлиши мумкин, —деди майинлик билан Саиджон ва сўзида давом этди:— Қачонгача бизларни алдайсиз. Ўтган куни келганимда буидан кейин газеталарни ўз вақтида олаеизлар деб ваъда берган эдингиз. Ўша ваъдангиздан кейин газеталарнинг боришн тақа-тақ тўхтади-ку.

Почта хизматчисининг бирон нарсадан кайфияти бузилиб турган эканми ёки унинг одамларга муомаласи шуми, хуллас у Саиджонга насиҳат қилишга ўтди.

— Энди ука, гап бундай. Газетани ҳар куни ўқимасангиз бирор жойингиз камайиб қолмайди. Кўп ўқиш кўзга ҳам зиён. Шунинг учун газетани нега кечиктириб юборасиз деб бошни қотирманг-да, йўлингизга кетаверинг.

Шу гапни эшитгандан сўнг Саиджоннинг ҳам жаҳли чиқиб кетди. У почта хизматчисига қараб шундай деб юборди:

— Мени кечирасиз-у, лекин одамларга насиҳат қилишга жуда уста бўлиб кетибсиз. Бу насиҳатингизни яхшиси ўзлнгизга қилинг. Менга эса бир ҳафталик газета-журналларни ҳозир топиб беринг.

Хуллас, почтадаги бу ҳангомани кузатиб турганлар ўртага тушишди. Бу ерга келганларнинг кўпчилиги Саиджоннинг ёнини олди.

— Бу йигитчанинг гапида жон бор, —дедилар ўрта ёшлардаги бир киши.— Мен ҳам газета ва журналларнинг ўз вақтида бормаётганлигидан шикоят қилиб келган эдим Бу қанақаси ахир, газета доим кечикиб олсанг.

Уларнинг гапига боласини кўтарган яна бир аёл ҳам қўшилди:

— Гапларингиз жуда тўғри, айланай. Менинг болаларим «Ленин учқуни» газетасига, «Гулхан», «Гунча» журналларига ёзилишган эди. Улар обуначи бўлган газета ва журналларнинг нега келмаётганлигини менда сўрайверио бошимни жуда ҳам қотириб юборишди.

Хуллас, алоқа бўлимига келган обуначиларнинг хафратидан чанг чиқар эди. Улардан бири газетанинг кечикиб келаётганидан шикоят қилса, яна бошқаси алоқа бўлими хизматчиларининг ўз сўзи устидан чиқмаслигидан, алдагани обуначи яхши қабилида иш юритишидан, яна бири эса почтачилардан ранжиб гапиришар эди.

«132-алоқа бўлимида бўлган шу кунги ҳангомани мен ҳам ўз кўзим билан кўрдим.— деб ёзади редакциямизга мактуб йўллаган оқшомхон Муҳаббат Алимова.— Тўғриси мен ҳам шу куни алоқа бўлимига бутун оиламиз аъзолари номидан шикоят қилгани борган эдим. Йўқ, бир мен эмас, балки бизга ўхшаб почта хизмати ишидан норози бўлган обуначилар шу куни жуда ҳам кўп келишган экан. Ҳангомани эшитиб, алоқа бўлими хизматчиларига ҳеч нарса демай қўяқолдим. Чунки улар фақат ўзларининг маъқуллашар, обуначиларга газета ва журналларни ўз вақтида етказиб бериш бўйича бирор бир аниқ ваъда бериш ўрнига уларга насиҳат қилишар эди. Лекин нима бўлганда ҳам биз обуначилар алоқа бўлимининг ишидан жуда ранжимоқдамиз «Тошкент оқшоми», «Комсомольская правда» газеталарига, «Фан ва турмуш», «Работница» журналларига обуна бўлиб обуначилар шу куни жуда ҳам кўп келишган экан. Ҳангомани эшитиб, алоқа бўлими хизматчиларига ҳеч нарса демай қўяқолдим. Чунки улар фақат ўзларининг маъқуллашар, обуначиларга газета ва журналларни ўз вақтида етказиб бериш бўйича бирор бир аниқ ваъда бериш ўрнига уларга насиҳат қилишар эди. Лекин нима бўлганда ҳам биз обуначилар алоқа бўлимининг ишидан жуда ранжимоқдамиз «Тошкент оқшоми», «Комсомольская правда» газеталарига, «Фан ва турмуш», «Работница» журналларига обуна бўлиб обуначилар шу куни жуда ҳам кўп келишган экан. Ҳангомани эшитиб, алоқа бўлими хизматчиларига ҳеч нарса демай қўяқолдим. Чунки

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов райони, Шоир кўчасининг биринчи проезди, 47-уйида истиқомат қилувчи газетхон Муҳаббат Алимованинг бу ҳақдаги саволига нима деб жавоб бериш мумкин? Жавобимиз шуки, сабр қилинг. Сабрда гап кўп. Буёғини эса биз Тошкент почта алоқаси шаҳар бошқармаси раҳбарларига ҳавола этамиз. Улар 132-алоқа бўлими ишидаги тартибсизликларга албатта барҳам беришади.

ҲУШЕРБЕК.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

30 ИЮНЬ, 1978 й.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. ШЕРМАТОВ: **Биз Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида тўрт ойлик пуллиқ тайёрлов курсида ўқиндик. Ўқишимиз тугади. Энди ҳужжатларимизни бошқа институтга олиб топширишимиз мумкинми?**

Жавоб: Шаҳримиздаги институтлар қошида очилган тайёрлов курсида ўқиган ҳар бир абитуриент курсни битирганлиги ҳақида ана шу институт томонидан ҳужжат олади. Бу ҳужжат фақат шу институтга ҳужжатларни топширилгандагина унга қўшиб берилади. Шунинг учун ҳар бир абитуриент кираётган институтини олдиндан белгилаши мақсадга мувофиқдир. Агарда у ҳужжатларини топшириб қўйган институтида ўқишни истамаса, хоҳлаган институтига ҳужжатларини бу ердан олиб топшириши мумкин.

* * *

С. ЕҚУБОВА: **Мен 10-синфни битириб бошланғич синф ўқитувчиси бўлмоқчи эдим. Бунинг учун қаерга бориб ўқишим керак? У ерда ўқиш муддати қанчалик?**

Жавоб: Педагогика кўчаси, 103-уйга жойлашган Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини қошида мактабгача ёшдаги болаларни ўқитадиган факультет мавжуд. Бу ерда тўрт йил ўқилади.

* * *

М. ТОШҚУЛОВ: **Менга медицина китоблари билан савдо қиладиган магазин адресини берсангиз. «Одам анатомиясининг атласи» деган китобни топшига қийналяпман.**

Жавоб: Ҳозир шаҳримизда ўнга яқин йирик китоб магазинлари мавжуд. Медицина китоблари билан савдо қиладиган магазин Революция хиёбонининг Пушкин кўчаси томонига жойлашган.

* * *

Р. ҒОЙИПОВ: **Шаҳримизда учувчилик касбини эгаллайдиган бирор олий ўқув юрти борми?**

Жавоб: Шаҳримизда учувчилик касбини эгаллайдиган ҳеч қандай олий ўқув юртлари йўқ. Бундай олий ўқув юртлари мамлакатимизнинг Рига, Оренбург, Актюбинск каби шаҳарларида бор. Шаҳримизда самолётларни тузатишни ўргатадиган техникум бўлиб, у Усмон Юсупов кўчасига жойлашган.

* * *

К. ҚУШОҚБОЕВ: **Мен ўз фарзандимга «Луч-2» киноаппарати сотиб олган эдим. Уч ойдан бери уни қандай ишлатишни билолмаяпман.**

Жавоб: Сиз бунинг учун шаҳримиздаги Театр майдонига жойлашган Марказий универсал магазиннинг биринчи қаватида ташкил этилган кино ва фотоаппаратлар мутахассисига мурожаат қилинг. Бу ерда Сизга кино аппаратни қандай ишлатиш қоидаси ҳақида маълумот беришади.

Нодир қўлёзмаларни варақлаганда

Аллома адиб бисотидан

Буюк, аллома адиб Ойбекдан инҳоятда бой ва рангин бир адабий илмий мерос қолди. Унинг архивида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, ёзувчи ҳар бир асари устида жуда катта тайёргарлик ишларини олиб борган. Муссаввир катта полотно асарининг қисмларини айрим-айрим ҳолда, эскиз сифатида чизиб олгани каби, Ойбек ҳам йирик асарларининг баъзи эпизодларини алоҳида яратиб берган.

30 йилларнинг ўрталаридан бошлаб Ойбек Навоий даври, ҳаёти ва ижоди ҳақида йирик илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. «Навоий» романи устидаги катта меҳнатининг бошланиши ҳам шу йилларга тўғри келади.

Қуйида эътиборингизга илк бор ҳавола этилаётган «Навоий» романига сингдириб юборилган «Ҳирот» номли эскизнинг қораламаси қора снёҳ билан араб графикасида ёзилган. 10 саҳифадан иборат адиб дастхати ёзувчи архивидаги 8-папкада сақланади. Қўлёзманинг ёзилган йили ҳақида маълумот учрамайди. Бироқ, уни адиб архивидаги Навоий ҳақидаги илмий ишлар битилган бошқа қўлёзмаларнинг снёҳига, қоғозига, муаллиф дастхатининг шаклий тузилишига қараб, 30 йилларнинг ўрталари ёхуд охирида ёзилган, деб тахмин қилиш мумкин.

Агар, шундай бўлса, Ойбек «Навоий» романининг айрим парчаларини «Қутлуғ қон» романидан илгарироқ ёки у билан параллель равишда — бир вақтда ёза бошлаган, дейиш мумкин.

Бу эскизда соф бадиий йўналишдаги фикрлашдан ташқари, илмий характерга эга бўлган мушоҳадаларнинг кўзга ташланиши — уларнинг Навоий ижодини илмий ўрганиш жараёнида майдонга келганлигини кўрсатади.

Бу парча Ойбекнинг фавқулодда қуйилиб келувчи илҳоми ва истеъдодидан хабар берувчи ҳамда унинг ижодий лабораториясини назокатларидан воқиф бўлишга кўмаклашувчи манба сифатида ҳам қимматлидир. Айрим кичик ва аҳамиятсиз таҳрирни ҳисобга олмаганда бу эскиз ҳам бир зарб билан ёзилгани, бамисоли куйдек қуйилиб тушгани кўринади-ки, томчида денгизнинг таъми билингани каби, шу қатрадаёқ буюк Ойбекнинг ададсиз илҳоми ёркин намоён бўлади.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
Нуъмон РАҲИМЖОНОВ.

ОЙБЕК

ҲИРОТ

Шаҳар баҳор шодлиги ва тўлғинлиги билан нафас оларди. Бир парча булутсиз самонинг ложувардида жануб қуёшининг олтини ловуллаб ёнар, боғлар, чаманзорлар, сарвзор хиёбонларнинг яшил жингаласини нур билан ювиб, эркаларди. Етти муаззам тоқи ҳавога гердайиб қулоч ёйган масжиди Жомеъ-нинг само шакл гумбазида, мадрасаларнинг азамат деворларида порталарида гигант алиф каби юксалган миноралада бой, безакли, серҳашам қаддли янги саройларнинг сабрларида накшлар жонли, ҳавоий чаманзор каби ранг-баранг оловланарди. Бу муаззам биноларнинг катта дуб ёғочи ўз ёнидаги япасқи оғочларни кўримсиз қолдиргандек, қат-қат тоғ каби юксалган. Азамат деворлари тупроқ уюмлари, метин миноралари билан хайратомуз иншоат бўлган. «Ихтиёриддин» қалъаси, қаҳрли салобати билан кўзларни ўзига қадарди. Шаҳар атрофини кўҳи қоф каби ўраган, устида отлиқ ва аробо юрабиладиган кенг кунгирали деворларга беш ёқдан ўрнатилган азамат дарвозаларга элтувчи катта тўғри йўлларда, суронли майдонларнинг ёркин тўгарагига қўйилган ҳар икки ёнида бир кабатли текис томли оддий каркас уйлар, болахонали шинам иморатлар, енгил, ҳавойи кўшклар, оғочларнинг яшил деворлари тизилган, кўчаларда ҳам қатновчилар кўп. Шаҳар атрофидаги қишлоқлардан беш дарвозадан савдо ва юмуш учун кирган отлиқ, эшаклик, пиёда деҳқонлар, шаҳар косиблари, бўзчилар, кулоллар, бўёқчилар, этикдўзлар ва ҳоказо ҳам гўзал туркман отида зар ёқа тўнли, мағрур, қиличи олтин-кумуш билан ишланган савлатли беклар, қаҳрли, қиличбоз навкарлар, малла тўнли ҳокисор, олло ишқининг кўнгул сирининг мурақибасига берилган сокин дарвешлар, қулоҳ қийган қундалик ҳаёти учун нафақа тилаган қаландарлар, шаробхоналардан чиққан шўхчанг олифта йигитларни учратиш мумкин. Бетларига сақроларнинг чанги қўнган, узоқ ўлкалардан келаётган карвонлар қўнғироқларини вазмин оҳангдор жаранги билан ҳавони янгратиб, шаҳарнинг турли ерларидаги карвон саройларга оқадилар. Атрофида аёнларнинг, шаҳзодаларнинг, бекларнинг гўзал қўшиқлари ўрнашган машҳур хиёбонларнинг сокин, оромбахш салқинида болалар ўқ-ёй отиб ўйнаб юрадилар. Бу шаҳарда ҳар қадамда учрайдиган битта-яримта шоирни, баъзан, чўчитиб, хаёлини қочирадилар. Мадрасаларнинг ўймакори эшиклари олдида катта саллали, узун, олача тўнли муллабаччалар риторика ҳақида, мантиқ ҳақида, ёки шариатнинг ингичка масалалари ҳақида, Суқротнинг ахлоқий принциплари ёки Ибн Синонинг тибга оид фикрлари ҳақида музокара қиладилар.

Шаҳарнинг марказидаги «Чорсу» ҳар кунги минг товушли сурони билан қайнайди. Бу ердан тўрт ёққа кетган, тўрт катта йўлга ола-була қурама оламон тўлқини оқади. Бу йўллар бозорга элтади. Тим билан қопланган ним қоронғу растарда— турли матолар сотиладиган дўкон қаторлари— савдо чаққон. Пирик савдо йўлларининг устида ётган шу шаҳарнинг бозорларида турли мамлакат одамларини, моллари-ни учратиш мумкин. Баззозликда Кашмир шоли, Хитой ипакликлари. Миср тўкималари билан дўконлар ердан шифтгача тахтланган. Ранг-баранг ипак девол орасида чордона қурган тўкжорт хушмуомаласи, аёрча табассуми билан харидорни қочирмасликка тиришади. Қурол-аслаҳа растасида Бағдод, Исфаҳон пўлатларидан ясалган, қиличлар, ханжарлар, ингичка санъат намунаси бўлган гўзал қинлар ва ҳоказо устида тигшунослар, ҳаваскорлар ўймалашади. Ўнларча кичик дўконлардан иборат бўлган «саҳҳофлик»да катта-кичик, қалин, юпқа китоблар қалашган. Бу ерда Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан тортиб, Мавлоно Жомийнинг терма ғазалларига қадар, «Қутадғу билиг»дан тортиб, Мавлоно Лутфийнинг девонигача, илмий тарихий асарлардан бошлаб «илми ром»га оид рисолаларгача топиш мумкин. Бу китоблар юзларча эски, янги гўзал хаттотлар томонидан қунт билан ёзилганлар. Китоблар орасида анчагина олтин ва кумуш ҳам, нодир бўёқларни истеъдодли рассомларнинг йилларча оғир, диққатли меҳнатини қамраган ажойиб асарлар ҳам бор. Бу растада ҳар вақт шоирлар, олимлар, муллаваччалар, ҳаттотларни учратиш мумкин. Янги девон, янги ҳаттот, янги шоир, янги қасида ёки ғазал ҳақида тоза маълумот кўпинча бу ердан учади. Бу растада бир неча муқовачилар ишлайди. Давр муқовачилик-нинг нозик санъатларидан ҳисобланади. Тоза чармдан ишланиб, ўйма гуллар солинган, зарҳал, чамандай товланган муқоваларнинг устида устаалар ойлаб ишлайдилар. Шундай ҳаваскорлар топиладики, китобнинг мазмунига, ҳаттотнинг санъатига қандай эътибор қилсалар, муқовага ҳам шундай қарайдилар...

Ҳирот ҳар кунги тўлғун, қайноқ, рангдор ҳаёт бияни яшайди. Чет эл одами— ким бўлмасин, сайёҳ, тужжор, жанговар — Ҳиротнинг беш дарвозасининг биридан бош суққан ҳамон бу шаҳарда жуда кўп ажойиб нарсалар кўради. Дарров уни севиб қолади. Ҳавоси мўътадил, мевалари мўл ва ранг-баранг, суви айқирган, тупроғи мунбат. Ҳиротнинг донғини улар узоқ ўлкаларга элтадилар. Унинг тўғрисида китоблар, хотиралар, шеърлар ёзадилар. Кўп шаҳарларни, кўп ўлкаларни кўрган ва ҳар ҳодисага танқидий қарашга мойил машҳур Бобир Ҳиротга қойил қолади. Уни рубъий маскунда энг катта ва гўзал, обод шаҳар дейди.

Тарихий ҳужжатлар ҳам афсоналар бир оғиздан Искандар Зулқарнайн бино қилганлигини тасдиқлаган, узоқ умрида гоят бой, улуғ ҳодисаларни кечирган бу шаҳар ҳақиқатан шарқнинг энг обод ва гўзал, маданий марказига айланган эди.

* * *

Ҳиротда, кутилмаган вақтда, қўзғолон кўтарилди. Қўзғолончиларнинг асосий массаси шаҳар ҳунармандлари, қашшоқлашган деҳқонлар эди. Қўзғолоннинг асосий сабаби оғир солиқлардан ва феодализмга хос бўлган жабр ва зулмдан норозилик эди.

Бу ерда XV асрда темурийлар давлатидаги налог системаси билан танишмоқ зарур.

Феодал гуруҳларнинг ерлари турли даражадаги имтиёзлардан фойдаланар эди. Пайғамбар ва унинг ҳалифаларининг насллари ҳисобланган Сайидларнинг ерлари «мулк мушрий» номи билан юритилар. Ҳосилотнинг ёлғиз ўндан бирига налогга кетарди. Хон томонидан ҳадя этилган суюрғол ерлари ҳар қандай налогдан озод этилган. Ҳатто суюрғол ерли одам ўзига қарам деҳқонлардан солиқ тўплашга ҳақли бўлган. Чингизхон замонидан қолган система тўғридан-тўғри тархонлик билан боғланган.

Тархондан ҳеч қандай солиқ олинмас. У хон олдига истаган вақтда кириб чиқаверади. Агар бирон жиноят қилса, тўқкизинчи мартагача уни жазоламайдилар.

Шунингдек вақф ерлар ҳам имтиёзли ерлардандир. Мулкдор томонидан ижтимоий хайр ишлари фойдасига ажратилган мулк-манқул, ғайри манқул-вақф дейилади.

Налог тўламаслик учун мулкни бирон масжид ёки мозор фойдасига вақф этиб—мулк идорасини ўз қўлида тутиши шарти билан кирим (доход)ни ўз кармонига солган мулкдорлар кўп бўлган. Солиқлар ҳирож ерларидан— деҳқон аҳолисига тегишли ерлардан олинган. Асосий қишлоқ хўжалик налогининг (фавқулодда сборлар— «кўш», «сарона») ҳаммаси деҳқон устига тушган. Бундан ташқари, деҳқон аҳолиси ҳокимларнинг талаби билан ҳар навъ юмушларни текинга бажарарди. Солиқ тўловчилар умуман солиқ ишлари билан банд бўлган барча амалдорлар давлатдан маош олмас, халқдан ўзлари учун ёғлироқ қилиб шилиб олардилар.

Ҳусайн Бойқаро тантана, дабдабани, безакни, шоҳона зиёфатларни севадиган танти подшо эди. Унинг вазирлари, беклари, яқинлари ҳам кенг ҳаётга, безакка ўч эдилар. Катта ҳаражатларни қопламоқ учун налог аппаратига зўр берар эдилар. Налог аппаратида ишлайдиган, чиновниклар айниқса золимликлари, порахўрликлари билан айрим ўрин тутардилар.

Ҳусайн Бойқаро пойтахтдан узоқда, Мирзо Едгор фитнасини босиш билан овора экан. Ҳиротда молия маҳкамасининг йирик маъмурларидан Хўжа Хатиб, Хўжа Низомиддин Бахтиёр ва ҳоказолар вақтни ғанимат топиб ўз ҳамёнларини тўлдирмоқ ғамига тушадилар. Улар подшоҳдан рухсатсиз, халқдан ҳар навъ ғайри қонуний налоглар тўплашга киришадилар. Бундан ташқари улар ҳар ерда халққа қўпол муомала қиладилар. Гражданларнинг ҳуқуқларини поймол этадилар. Ҳақли шикоят овозини бўғадилар.

Халқ оммаси бунга жавобан кўчаларни, майдонларни тўлдиради. Ўчқунлан, аланга пайдо бўлади. Халқ молия маҳкамасининг дарвозасига тўпланиб даҳшатли шовқин солади. Жинсятқорларни чақириб жавобга қистайди. Айбдорлар маҳкама ичидан бошларини чиқаришга жасорат қилмайдилар. Ниҳоят оммани ғазаби ҳаддига етади. У маҳкама ичига бостириб киради. Ҳамма хоналарни изғиб, золимларни қидиради. Хўжа Абдулла Ҳатиб кўринишни билан уни тошбўронга тутади. Халқ оммаси ўзининг энг маифур, энг разил душманларини ҳар вақт тошбўронга тутган. Боши ёрилган маъмур ва унинг шериклари бу маҳкамага ёпиштирган мадрасага ўтиб йўлни чап бериб қочадилар. Лекин халқ оммаси бу билан тинчимайди. Соат сари, кун сари унга ғазаби кучаяди. Халқ ҳар ерда золим амалдорлардан, таловчилардан, аҳлоқсизлардан ўч олишга бошлайди. Шоирлар, санъаткорлар шаҳри май ва мусиқий тўлқинларида яшаган бегам, хурсанд, гўзал пойтахт бирдан қаҳрли бир шакл олади. Ҳар ерда тош ва таёқ кўтарган халқнинг ғазабли шовқини янграйди. Чопарлар арғумоқларда шаҳар дарвозаларидан кетма-кет учиб, янги хабарлар билан бир-бирларини қувиб ўтишга тиришадилар.

Юбилей йилида — область касаба союз аъзоларидан (улар 165 минг бўлиб, икки минг ташкилотга уюшган) 1555 нафарли санаторийда, уч мингдан ортиғи туристик саёҳатларда бўлишди. Бу ўринда шуни алоҳида қайд қилиш керакки, маорифчи илмий ходимларимиз республика, Иттифоқ, қолаверса чет эллнинг энг ҳушманзара — «Чортоқ» ва «Кумушкон», Иссиққўл ва Грузиядаги Агудзари, Болгария ва Руминия каби жойларида бир олам таассурот ҳамда дам олиб қайтдилар.


Бу йилги режаларимиз янада улкан. Ҳозирнинг ўзидаёқ СССР-нинг Волга, Енисей дарёлари ва Қора денгиз соҳиллари бўйлаб йўл олган тошкентлик туристларимиз ўнлаб топилади. Туристик саёҳатга бу йил икки мингдан ортиқ ишқибоз жўнайди. Биргина Польша Халқ Республикасига 100 турист бориб, бутун мамлакат бўйлаб саёҳат қилади ва дам олади. Ўрта Ер денгизи саёҳатига, Югославия, ГДР ва Чехословакия республикаларига ҳам бу йил турли группалар билан маорифчи, илмий ходимларимиз кўпроқ боради.

Санаторийларда 2 мингдан ортиқ, дам олиш уйларида, соғломлаштириш лагерларида олти мингга яқин пойтахт области ўқитувчиларининг мириқиб дам олиши, даволаниши қувончли ҳол, албатта. Область касаба союз комитети ва унинг жойлардаги ташкилотлари ана шу дам олишларни уюштириш учун ташкилий ва зарурий ишларни авж олдириб юборган.

Бу йил ўқитувчи ва ташкилотимиз учун қувончли ҳодисадир. Бу базалар келгусида янада кенгайтирилади, бошқа муассаса ва ташкилотлар ҳам ўз оромгоҳларига эга бўладилар.

Санаторийлар, асосан ташкилотимиз арендасидаги «Чинобод» кенгайтирилади. Ҳозир 800 киши ҳордиқ чиқараётган «Кумушкон» дам олиш уйи келгусида санаторийга айлантирилади. Фаргонадаги «Чимён», Намангандаги «Чортоқ» курорт-санаторийларга бу йил кўпроқ ўрин берилган.

Дам олиш уйлари— асосан «Октябрь 10 йиллиги», «Кумушкон» ва «Сўқоқ»ка оилавий бориш. Кавказдаги Пицунда, Мацестада азаматлари Чортоқ атрофидаги дам олиш зонасига чиқиб кетишди. Уларнинг оилавий дам олишлари учун барча имкониятлар яратилиб, махсус автобус ажратдик. Бундан ташқари 17-қурилиш бошқармасидан 35 бунёдкор яқинда Самарқанд шаҳрида бўлишиб, бу ернинг тарихий обидалари билан яқиндан танишиб қайтишди. Ҳозиргача йигирмадан ортиқ ҳамкасбларимиз турли шаҳарларда ва марказий курортларда бўлиб қайтишди. Учинчи кварталда эса санаторий, дам олиш уйи ва пансионатларга яна йигирма бир қурувчимиз боради.



ОЛИМЛАР ИЗЛАНИШДА

МОСКВА. СССР Фанлар академиясининг Н. Д. Зелинский номли органик химия институти органик химия ва органик катализ соҳасида мамлакатимизнинг етакчи илмий муассасаларидан бири ҳисобланади. Институтда илмий иш олиб бораётган йигирга нафар олим Ленин ва СССР Давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Институт коллективи ўз тадқиқотлари натижаларининг саноат ҳамда халқ хўжалигига жорий этилишига ҳамиша катта эътибор бериб келади. Олимларнинг ишлари жорий этилиши туфайли фақат тўққизинчи беш йилликнинг ўзидагина 20 миллион сўмдан зиёд иқтисодий самара олинди. Тармоқ институтлари ва заводларга йирик тоннажли химия ва нефть-химия ишлаб чиқариши учун қатор жараёнлар ва катализаторлар топширилди.

СУРАТДА: [чапдан ўнгга] катта илмий ходимлар ҳимия фанлари кандидатлари В. И. Гаранин ва Я. И. Исаков катализ лабораториясида нодир ва сочма элементлар устида тадқиқотлар олиб боришяпти.

Ю. Лизунов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ТЕАТР ГАСТРОЛИ

А. Лоҳутий номли Тожикистон Давлат академик театрининг гастроллари Бухорода Садриддин Айнийнинг «Дохунда» романи асосида саҳналаштирилган шу номдаги спектакль билан бошланди. Душанбадан келган бу ижодий коллектив Зарафшон водийсининг бошқа шаҳарларига ҳам боради, область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳузурида меҳмон бўлади. Театрнинг гастроль сафари репертуарида ҳозирги замон тожик ва ўзбек драматурглари нинг пьесалари бор.

ЎзТАГ.

Жаҳон оинаси

ЕР — ДЕҲҚОНЛАРГА!

ЛИМА. Перу ҳукумати 236 минг гектар ерни деҳқонларга фойдаланиш учун берди. Бу ерлар тахминан тўққиз минг деҳқон оиласи ўртасида тақсимланди. Ер участкаларини тақсимлаб бериш маросими ҳукуматнинг ер ислоҳоти тўғрисидаги қонуни эълон қилинган кунининг тўққиз йиллигига тўғрилаб ўтказилди. Ана шу қонуннинг йиллиги бугун Перуда нишонланмоқда.

Ер ислоҳоти амалга оширила бошламасдан олдин. Перудаги жамики экинзор ерларнинг 83 проценти мамлакатнинг атиги 1 процент аҳолисига — катта-катта заминдор помешчикларга тегишли эди. Ўтган йиллар мобайнида помешчик хўжаликлари батамом тугатилди.

Ҳозирги вақтда Перуда юзлаб қишлоқ хўжалик кооперативлари ишлаб турибди. Ҳукумат уларга техникавий ва молиявий ёрдам бермоқда. Бироқ кейинги вақтларда мамлакатда реакцион доираларнинг фаолияти активлашиб қолди. Улар ўзларининг ўтмишдаги ҳукмронлигини қайта тиклашга уринмоқда. Шу муносабат билан Перу Компартияси Марказий Комитетининг органи «Унидад» газетаси хушёрликка даъват қилади. Газета қайд этиб ёзганидек, деҳқонларнинг ерга эгалик қилиш ҳуқуқи қонунийдир, шу сабабли сўл кучлар ер ислоҳотини қаттиқ туриб ҳимоя қилишлари лозим.



ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ БУЙЛАБ.
КАРАКАС. Бу шаҳар ўзининг гўзаллиги ва хушманзаралиги билан ажралиб туради.
СУРАТДА: Каракас кўчаларидан бирида.
Л. Воронцов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

БИРМА КООПЕРАТИВИ

РАНГУН. Бирмада 1970 йилда қабул қилинган ва кўп йилга мўлжалланган кооперациялаш планини амалга ошириш давом эттирилмоқда. НАБ агентлигининг хабарига кўра, деҳқонлар, ишчилар, савдогарлар, давлат муассасалари, армия ва полиция хизматчиларидан 6.6 миллион кишини бирлаштирган 19 мингдан кўпроқ ҳар хил кооператив ташкил қилинган.

Бирма социалистик программаси партиясининг программавий ҳужжатларида қайд этиб ўтилганидек, деҳқонларнинг ерга эгалик қилиш ҳуқуқи қонунийдир, шу сабабли сўл кучлар ер ислоҳотини қаттиқ туриб ҳимоя қилишлари лозим.

ҲУШЁРЛИК ЗАРУР

АДАН. Яман Араб Республикасининг президенти Ал-Хошимий ўз кабинетида ўлдирилди. Бу ҳақда олинаётган хабарларга кўра, Шимолий Яман давлати бошлиги бомба портлаши натижасида ўлган. Ал-Хошимий қонуний давлат бошлиги Иброҳим Ал-Хамдий ўлдирилиши натижасида ҳокимият тепасига келганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ эди.

Саудия Арабистонини Яман Халқ Демократик Республикаси шаънига асоссиз ва уйдирма айблар қўйиш учун ЯАР президентининг ўлдирилганлиги фактидан фойдаланишга уринмоқда.

Жанубий Яман ҳукуматининг бу ерда эълон қилинган баёнотида айтилишича, президент Ал-Хошимийнинг ўлдирилиши Яманнинг икки қисми ўртасидаги муносабатларига бузиш, улар ўртасида кескинлик вазиятини вужудга келтиришга қаратилган империалистлар фитнаси занжирининг бир бўғинидир. Демократик Яман ҳукумати бу фитна барбод бўлади ва Яманнинг шимоли билан жанубидаги халқлар фитнасига нисбатан ҳушёрлик кўрсатадилар, деб ишонч билдирди.

Ёз мавсуми: қандай дам оляпсиз?

ЧОРВОҚ АТРОФИДА

«Главташкентстрой»нинг 11-«Висотстрой» қурилиш трести бинокорлари шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турган ўнлаб улкан биноларни бунёд этишиб, пойтахтимиз қурувчилари ўртасидаги меҳнат беллашувида машъаллик қилиб келмоқдалар. Бунёдкорларнинг дам олиш кунларини нўнгилли ўтказиш борасида трест касаба союз комитетининг раиси Анатолий Николаевич Наумов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Биринчи галда қурувчиларимиз нинг фарзандлари қандай дам олаётганлари ҳақида гапирмоқчиман. Биз улар учун фақат биринчи мавсумга 85 та путёвка ажратдик. Иккинчи ва учинчи мавсумда ҳаммаси бўлиб 250 ўқувчи дам олади. Чирчиқдаги «Ласточка» ва Газалкент районидаги «Феруза» ва Гагарин номли пионер лагерлари салқинлиги, тоғ бағрига жойлашганлиги билан жуда ҳам кўркамдир.

Қурувчиларнинг дам олишига келсак трестимизнинг 1-қурилиш бошқармасидаги П. Сачко бошлиқ ўттиз тўрт кишидан иборат комплекслашган бригада азаматлари Чортоқ атрофидаги дам олиш зонасига чиқиб кетишди. Уларнинг оилавий дам олишлари учун барча имкониятлар яратилиб, махсус автобус ажратдик. Бундан ташқари 17-қурилиш бошқармасидан 35 бунёдкор яқинда Самарқанд шаҳрида бўлишиб, бу ернинг тарихий обидалари билан яқиндан танишиб қайтишди. Ҳозиргача йигирмадан ортиқ ҳамкасбларимиз турли шаҳарларда ва марказий курортларда бўлиб қайтишди. Учинчи кварталда эса санаторий, дам олиш уйи ва пансионатларга яна йигирма бир қурувчимиз боради.

Узбекистон ССР Конституциясида ҳар бир совет гражданининг дам олиш ҳуқуқига тўла эга эканлигиқайд қилинган. Бунинг учун маданий-оқартув, соғломлаштириш муассасалари, оммавий спорт, физкультура ва туризмни ривожлантириш назарда тутилади.

КПСС XXV съезди, партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг бир қатор қарорларида ҳам меҳнаткашларнинг дам олишлари қайд қилинган. Айниқса, касаба союз ташкилотлари кишиларнинг ёзда дам олишларини ташкил қилиш ва уюштиришда катта ишларни амалга оширмоқда. Маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари область касаба союз комитети раиси М. Шоумаров жамоатчи мухбиримизга ана шу ҳақда гапириб берди.

ХУШМАНЗАРА ЖОЙЛАР ЧОРЛАЙДИ

Юбилей йилида — область касаба союз аъзоларидан (улар 165 минг бўлиб, икки минг ташкилотга уюшган) 1555 нафарли санаторийда, уч мингдан ортиғи туристик саёҳатларда бўлишди. Бу ўринда шуни алоҳида қайд қилиш керакки, маорифчи илмий ходимларимиз республика, Иттифоқ, қолаверса чет эллнинг энг хушманзара — «Чортоқ» ва «Кумушкон», Иссиққўл ва Грузиядаги Агудзари, Болгария ва Руминия каби жойларида бир олам таассурот ҳамда дам олиб қайтдилар.

Бу йилги режаларимиз янада улкан. Ҳозирнинг ўзидаёқ СССР-нинг Волга, Енисей дарёлари ва Қора денгиз соҳиллари бўйлаб йўл олган тошкентлик туристларимиз ўнлаб топилади. Туристик саёҳатга бу йил икки мингдан ортиқ ишқибоз жўнайди. Биргина Польша Халқ Республикасига 100 турист бориб, бутун мамлакат бўйлаб саёҳат қилади ва дам олади. Ўрта Ер денгизи саёҳатига, Югославия, ГДР ва Чехословакия республикаларига ҳам бу йил турли группалар билан маорифчи, илмий ходимларимиз кўпроқ боради.

Санаторийларда 2 мингдан ортиқ, дам олиш уйларида, соғломлаштириш лагерларида олти мингга яқин пойтахт области ўқитувчиларининг мириқиб дам олиши, даволаниши қувончли ҳол, албатта. Область касаба союз комитети ва унинг жойлардаги ташкилотлари ана шу дам олишларни уюштириш учун ташкилий ва зарурий ишларни авж олдириб юборган.

Бу йил ўқитувчи ва ташкилотимиз учун қувончли ҳодисадир. Бу базалар келгусида янада кенгайтирилади, бошқа муассаса ва ташкилотлар ҳам ўз оромгоҳларига эга бўладилар.

Санаторийлар, асосан ташкилотимиз арендасидаги «Чинобод» кенгайтирилади. Ҳозир 800 киши ҳордиқ чиқараётган «Кумушкон» дам олиш уйи келгусида санаторийга айлантирилади. Фаргонадаги «Чимён», Намангандаги «Чортоқ» курорт-санаторийларга бу йил кўпроқ ўрин берилган.

Дам олиш уйлари— асосан «Октябрь 10 йиллиги», «Кумушкон» ва «Сўқоқ»ка оилавий бориш. Кавказдаги Пицунда, Мацестада азаматлари Чортоқ атрофидаги дам олиш зонасига чиқиб кетишди. Уларнинг оилавий дам олишлари учун барча имкониятлар яратилиб, махсус автобус ажратдик. Бундан ташқари 17-қурилиш бошқармасидан 35 бунёдкор яқинда Самарқанд шаҳрида бўлишиб, бу ернинг тарихий обидалари билан яқиндан танишиб қайтишди. Ҳозиргача йигирмадан ортиқ ҳамкасбларимиз турли шаҳарларда ва марказий курортларда бўлиб қайтишди. Учинчи кварталда эса санаторий, дам олиш уйи ва пансионатларга яна йигирма бир қурувчимиз боради.

Кўча тасодифларга тўла

ГАИ АХБОРОТИ

Шу куни 2521-автоколонна ҳайдовчиси Аҳмад Суяров қандай тезликда транспортни ҳайдаб бораётганлигини ҳозир айтиб бериш қийин. Лекин унинг айтишича спидометр соатига 30—40 километрни кўрсатар эди. У Фонтанная кўчасидан бораётиб кўча ҳаракати хусусиятларидан бири — масофани кўздан кечиришга эътибор бермади. Шунингдек, автомашина кузовасидаги юкнинг қай ҳолатда эканлигини ҳам эътибордан четда қолдирди. Натижада муюлишга келганда автомашина тезлигини камайтирмади. Шу туфайли ЗИЛ—130 маркали 42—22 ТНП автомашинаси бурилиш пайтида ағдарилди. Ҳайдовчи А. Суяров енгил жароҳатланиб қутилди.

Қоида бузувчининг ҳатти-ҳаракати тўғрисидаги материал Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекциясининг маъмурий комиссиясига ҳавола этилди.

● ҲАР ТЎҒРИДА

«ПОЁНДОЗ ЙЎЛ»

Франциянинг «Эрлан этаншейн» компанияси янги автомобиль йўли қопламасини муваффақиятли синовдан ўтказди. Йўл устига ётқизиладиган пластик қатлам гўё поёндоздек тўшалади. Бу йўлни асфальтлашдан кўра анча қулай ва арзонга тушади. Янги материал енгил, бунинг устига у ўзида сув сақламайди. Бу йўл устидан бораётган машинанинг тормоз системаси ҳам яхши ишлайди.

Бу янгиликдан самолётларнинг учиш-қўниш полосалари қурилишида ҳам фойдаланилади.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

Ўзбекистон ССР Тошкент Зўр Байроқ ордени газетаси

30 ИЮНЬ, 1978 й.

КОНДИЦИОНЕР — ҲАР БИР ХОНАДОНГА

ЁЗНИНГ ЭНГ ИССИҚ КУНЛАРИДА «БК—1500» РЎЗҒОР КОНДИЦИОНЕРИ ХИЗМАТ ХОНАЛАРИДА ВА КВАРТИРАЛАРДА САЛҚИНЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Кондиционер ёрдамида хонадаги ҳарорат 8—10 градусга пасайди ва у автоматик равишда сақлаб турилади, хона ҳавоси чангдан тозаланади.

«Вентиляция» ҳолатида ташқаридан соф ҳавонинг кириши таъминланади.

«БК-1500» кондиционерининг модели ротацион типдаги компрессор билан жиҳозланган. Ана шу тариқа кондиционер шовқинсиз ишлайди.

Шовқиннинг камайишига, шунингдек пластмассадан ясалган корпус ҳам имкон беради.

Кондиционер кўп жой эгалламайди, замонавий жиҳозланган ва квартиранинг умумий ҳолатига яхши ўтиришади.

«БК—1500» кондиционери электр тармоғидан 220 вольт кучланишда ишлайди.

Рўзғор кондиционери тайёрлаб чиқараётган Боку заводи уларнинг магазиндан харид қилинган кундан бошлаб 2 йил мобайнида бузилмай ишлашига кафолат беради.

«БК-1500» рўзғор кондиционери Давлат Сифат белгисига сазовор бўлган. Унинг монтаж қурилмаси билан биргаликдаги баҳоси — 442 сўм 30 тийин.

«БК—1500» кондиционерини барча савдо марказларида ва ихтисослаштирилган магазинлардан нақд пулга ва кредитга сотиб олиш мумкин.

Завод ательесининг малакали мутахассислари кондиционерни дераза ромига тез ўрнатиб берадилар.

Кондиционерни ўрнатиш ва созлаш масалалари юзасидан қуйидаги адресда жойлашган Тошкент Бош ательесига мурожаат қилишингиз лозим: Тошкент — 185, «Халқлар дўстлиги» проспекти, 4—4 «а»-уй. Телефон: 77-65-69.

«БК-1500» РЎЗҒОР КОНДИЦИОНЕРЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!

УЛАР ЁЗНИНГ ИССИҚ КУНЛАРИДА ХОНАДА МИКРОИҚЛИМНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.



«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

«ХИЗМАТ-БЕМИННАТ» САВДО ФИРМАСИНИНГ
«УНИВЕРСАМ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ
САНОАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ
СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«УНИВЕРСАМ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 16 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8 — 10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАДА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчиларга ойига 60 сўм стипендия тўлаб борилади. Мактаб-магазинидаги ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Ўқувчилар айни бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

«Универсам» мактаб-магазинини битирганлар «Хизмат-беминнат» фирмаси магазинларида ишда қоладилар, уларга имтиёзли равишда Тошкент совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига ўқишга кириш имконияти берилади.

«Хизмат-беминнат» савдо фирмасининг «Универсам» магазини озиқ-овқат моллари ва айрим саноат моллари билан ўзўзига хизмат кўрсатиш бўйича республикада биринчи энг йирик савдо корхонасидир. Унинг савдо майдони 1040 кв. метрни ташкил қилади, замонавий, чет эл ва Ватанимиз асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, кондицион (микроиқлим) ҳаво мавжуд.

Чунончи, магазин ходимлари, ҳамда харидорлар учун бошқа қулайликлар ҳам яратиб берилган.

«Универсам» магазини адреси: Тошкент шаҳар, Юнусобод массиви. Энгельс ва Аҳмад Дониш кўчаларининг муюлиши (25, 28-трамвайлар, 60, 72-автобусларнинг «Универсам» бекати). Телефонлар: 24-08-92, 24-79-96.

Фирма адреси: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, 23-квартал, Подмосковная кўчаси, 57-уй, кадрлар бўлими. Телефон: 76-66-15.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЛЕНИН, ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металлар бўйича универсал токарлар ва универсал фрезерчилар, ўқиш аппаратларини йиғувчи слесарлар, механика-йиғув-ишлари бўйича слесарлар, дурадгорлар, тунука ва инструментлар бўйича слесарлар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

ЎҚИШГА 8- СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ШАҲАРЛИК ИИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Шаҳарнинг чекка қисмидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганлар ўрта маълумот ҳақида аттестат ва касблари ҳақида диплом ва В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаш учун йўлланма оладилар.

Билим юртини аъло баҳо билан битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз ташқари қабул қилинадилар.

Билим юртида ўқишлар техника воситалари билан жиҳозланган фан кабинетларида ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар заводдан бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида спорт секциялари ва авиамоделчилар, фото, радио ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Ўқувчиларнинг дам олишлари учун Чимён атрофида махсус дам олиш лагери бор.

Шунингдек, ўқувчилар бепул уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг бир қисмини оладилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, таржимаи ҳоли, 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй 29-трамвай ва 30-автобуснинг «Валихонов кўчаси», 8, 48, 21, 80-автобусларнинг «4-турар жой шаҳарчаси» бекатлари).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИНГ
КЕЧКИ ЎҚИШИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта мактабни тугатган, Тошкент шаҳридаги завод, фабрика ёки қурилиш корхоналаридан бирида ишлаётган ишчи ёшлар шу ташкилот йўлланмаси бўйича қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига йўлланма олган ишчиларнинг амалий иш стажи, мактабни битиргандан кейин, шу корхонада 1 йил узлуксиз бўлмоғи лозим (шогирд сифатидаги иш стажи тайёрлов бўлимига қабул қилишда ҳисобга олинмайди).

Иш стажига эга бўлмаган ва ўрта мактабни 1978 йили битирган шахслар тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: университет ректори номига ариза, йўлланма, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ташкилот раҳбари тасдиқлаган), медицина справкаси (286-форма), 8 дона фотосурат (3х4 см.).

Аризалар 1 августдан 10 сентябргача қабул қилинади.

Суҳбат (икки— уч фандан) **11 сентябрдан 24 сентябргача ўтказилади.**

Тингловчилар рўйхатга 25 сентябрдан 30 сентябргача олинадилар.

Тайёрлов бўлими битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган тингловчилар университетнинг биринчи курсига (кундузги бўлим), кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Машғулотлар 1 октябрдан бошланади ва ҳафтасига 4 мартә ўтказилади.

Ўқиш муддати— 10 ой.

ТошДУ тайёрлов бўлимининг адреси: Тошкент— ГСП, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, «3» отсек, 2-қават, 21-хона. Тайёрлов бўлими қабул комиссияси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 30/VI да **Концерт**, 2/VI да **Оламнинг яратилиши** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/VI да **Кўрмайин босдим тикончи**.

КИНО

30 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Шум бола** (кечқурун).

Уйинчоқ — «ЧАЙКА» (18, 20, 21.30), «МОСКВА», (17.45, 19.30, 21.15), «НУКУС» (17, 19, 21.00), «ВОСТОК» (18, 20, 21.30).

Бағдасар хотини билан ажралишмоқда— «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21.00).

Мимино — «КЎКЧА» (17, 19, 21.00), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20, 21.30).

Тақдир ўйини ёки қушдек енгил бўлинг — «ҚОЗОҒИСТОН» (17, 20.00).

Эски милтиқ —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (18, 20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Уйинчоқ— «ФЕСТИВАЛЬ» (20.50, 22.30).

Ватерлоо — «ХИВА» (20.50, 22.30).

1 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Шум бола** (кечқурун).

Уйинчоқ— «ЧАЙКА» (11.30, 13.30, 15, 16.30, 18, 20, 21.30), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.45, 19.30, 21.15), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00), «ВОСТОК» (10.30, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Бағдасар хотини билан ажралишмоқда — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 12, 13, 14, 15, 19, 21.00).

Мимино— «КЎКЧА» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20, 21.30).

Тақдир ўйини ёки қушдек енгил бўлинг— «ҚОЗОҒИСТОН» (16, 17, 20.00).

Эски милтиқ— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Уйинчоқ—«ФЕСТИВАЛЬ» (20.50, 22.30).

Ватерлоо — «ХИВА» (20.50, 22.30).

Тошкент область, Пскент шаҳридаги 3-мактаб томонидан **Йўлдошев Маъмур** номига берилган 298750 номерли йўлкорги

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ҳаммаси харидорлар учун

БУГУН БИЗ СИЗЛАРНИ ШАҲРИМИЗНИНГ ЭНГ ГАЖУМ ВА ФАЙЗЛИ КАРЛ МАРКС КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН 55-«РАДИО ВА ЭЛЕКТР МОЛЛАРИ» МАГАЗИНИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Сизларнинг ҳаммангиз ана шу магазинни жуда яхши биласиз. Тошкентнинг ҳар бир туб истиқоматчиси у билан болалигидан бўён таниш ва унинг савдо залларида жуда кўп марта бўлган.

Радиоприёмниклар, радиолалар, телевизорлар, магнитофонлар, кондиционерлар, соатлар, радио деталлари... Молларнинг номларини санаб чиқишни давом эттириш мумкин. Чунки, шаҳримизда энг йирик бўлган бу магазин фақат радио ва электр молларини сотишга ихтисослаштирилган.

Магазин катта авлодлан сотувчиларнинг кичик авлодига бериб келаётган меҳнат анъаналарига бой. «Ҳаммаси харидор учун», «Харидорни ҳурматли меҳмон сифатида кутиб олиш, уни арзигулик харид билан кузатиш», «Йўқ» деган сўзни бир бор марта ҳам ишлатмаслик — бу сўзлар сотувчиларнинг фазилати бўлиб, улар доимо ана шунга амал қилишади. Шунинг учун ҳам магазин юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эга.

Ҳурматли харидорлар, келинг, яхшиси магазиннинг савдо залларини кўздан кечириб чиқайлик. Мана бу телевизорлар секцияси. Бу ерга қўйилган молларнинг саноғи йўқ. «Таурас», «Чайка», «Березка», «Каскад», «Крим», «Горизонт», «Рассвет», «Рекорд»... Буларнинг қай бири сизга манзур бўлади. Малакали сотувчи-консультант ана шу муаммони ҳал қилишда харидорга ёрдам беради. У ҳар бир телевизорга характеристика беради, паспорти билан таништиради, телевизорларни ишлаб турган ҳолатда кўрсатади, ана шулардан қайси бирини танлаб олишингиз мумкинлигини маслаҳат беради.

Телевизор сотиб олишни расмийлаштираётганингизда қўшимча имтиёзлардан фойдаланишни унутманг. Бу имкониятлар эски телевизорлар, радиоприёмниклар ва радиолаларни топшириб, уларнинг ўрнига янги замонавий маркадаги молларни алмаштириб олишингиз мумкин.

Бундан ташқари харидорга имтиёзли шароит — 2 йил муддатгача узайтирилган кредит тавсия қилинади.

Электр моллари залига марҳамат қилган ҳар бир кишининг кўзи қамашади. Бу ерда намойишга қўйилган қандиллар, стол лампалари, ёритгичлар, торшерлар, ана шу зални байрамдагидек чароғон этган. Харидорлар ана шу молларга қараб маҳлиё бўлишади, ўзларининг хонадонига файз киритадиган у ёки бу буюмни сотиб олиш ниятиёқига тушишади.

Сиз ўзингизнинг квартирангизни янги қандил, чиройли торшер билан янада файз киритишингиз мумкин. Бундан ташқари ётоқхонангизга мўлжалланган ёритгични сотиб олишингизни маслаҳат берамиз. Ана шу моллар квартирангизга ўзига хос жозиба ва кўркамлик киритади.

55-магазинда стол лампалари, торшерлар, қандиллар, чиройли безакланган ёритгичларнинг ранг-баранг намуналари қўйилган.



Ҳар бир квартирага соат албатта керак. Ҳозирги пайтда харидорларимизнинг диққат-эътибори электрон соатларни сотиб олишга мойилдир. Бу соатларнинг афзаллиги шундаки, уларнинг мурувватини бураб туришга ҳожат йўқ, ўзининг жуда аниқ юриши, бир йилга мўлжалланган батареядан қувват олиб ишлаши билан диққатга сазовор.

Соатлар сотиш секциясида сизнинг диққатингизга девор, стол, қўл соатларини, шунингдек, соатлар учун тасмачаларни тавсия қилишади.

Албатта, ҳозирги пайтда сотиб олиниши зарур бўлган моллардан бири кондиционердир. Тошкентнинг жазирама саратони ҳар бир кишини салқин жойда ишлаш ёки дам олишга мажбур этмоқда. Термометрнинг симобли устуни мана бир неча кундирки, 40 даража атрофида турибди ва пастга тушадиганга ўхшамайди.

«БК—1500» маркали кондиционер сизнинг квартирангизда микроиқлим яратиб, сизга манзур бўладиган салқин ҳавони пайдо қилиб беради, ҳароратни 8— 10 даража пасайтиради. Бундан ташқари унинг энг яхши фазилатларидан бири ҳавони чангдан тозалайди, вентиляциясининг ички тарихи ташқаридаги тоза ҳавони ичкарига узатишдан иборат.

«Бриз» ва «Комфорт» деб аталган электр аппаратлари ҳавони чанг ва тутундан тозалашга мўлжалланган. Бу аппаратлар ҳавони тозалаб бериш билан бирга, бронхит, астма, гипертоник касалликлар билан оғриган кишиларни даволашда яхши фойда берадиган шифобахш ионлар билан бойитади.

Сиз ўзингизнинг меҳнат отпускангиз чоғида узоқ сафарга, денгиз бўйлаб саёҳатга, тоғларга боришингиз мумкин.

Бундай тараддудда бўлсангиз, албатта, фото ва кино моллари бўлимига кириб ўтинг. Бу ердаги фото ва кино аппаратлари отпускангиздаги таассуротларни янада бойитишда яқиндан ёрдам беради.

Фото ва кино ҳаваскорликни эндигина бошлаётган кишиларга баҳоси унча қиммат бўлмаган ва ўзи яхши ишлайдиган аппаратларни сотиб олишни маслаҳат берамиз. «Смена—2», «Киев—30», ёки «Вилия-авто» аппаратларига эътиборингизни қаратинг. «Ломо— 218» ҳам ўзининг энг яхши киносуратга оладиган аппаратлардан бири эканлигини кўрсатди. Бу аппаратда 16 миллиметрли пленкада рангли ёки оқ-қора тасвирли фильмларни суратга олишингиз мумкин.

Агарда сиз отпускангизни шаҳардан ташқарида ўтказиш ниятида бўлсангиз, ўзингиз билан бирга транзисторли радиоприёмникни олиб юринг. У сизни мамлакатимизда ва чет элларда юз бераётган ҳар кунги воқеалар билан узлуксиз таништириб боради.

Рига заводида ишлаб чиқарилган «ВЭФ— 202» трачзисторли радиоприёмниги энг қулай, енгил ва ишончлидир. Бу аппарат узун, ўрта ва бешта қисқа тўлқиндаги радио эшиттиришларни бемалол қабул қилади. Радиоприёмникка Давлат Сифат белгиси берилган.

Магазиннинг савдо заллари бўйлаб сайр этишимизни ниҳоясига етказамиз. «Ташхозкультторг»нинг 55-магазинида тикув машиналари сотиш бўйича ихтисослаштирилган ягона секция борлигини ҳам эслатиб ўтамиз. У ерда тажрибали мастер-механиклар, тикув машиналарида у ёки бу операцияларни бажариш, машинани ишлата билиш бўйича ўзларининг энг яхши маслаҳатларини берадилар.

Молларни харид қилиш учун магазинимизга марҳамат қилинг!

55-магазиннинг сотувчилари сизларга молларни танлашда бажонидил ёрдам берадилар.

Бизнинг адрес: Киров кўчаси, 17-уй. Соат 14.00 дан 15.00 гача танаффус. Якшанба дам олиш куни.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

30 ИЮНЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.00 «Ёзги меҳнат семестри бошланади. 17.30 От спорти бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади. 18.00 «Берлин конференцияси—икки йил ўтгач». Профессор В. В. Загладин сўзи. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Балет артистларининг концерти. 19.10 «Мальчево қишлоғилик Мальцев» фильмидан сўнгги мактублар». 20.05 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Познанлик булбуллар». Бадиий фильм (Польша). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Золотой Орфей» эстрада қўшиқлари XIV халқаро фестивали лауреатларининг концерти. Болгариядан олиб кўрсатилади. 23.55 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун мультфильм. 18.05 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.35 Телевизион новеллалар театри. Ф. Мусажонов. «Имтиҳон». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг мақомчилар ансамбли ижро этади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Оламга саёҳат». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 22.15 «Резидентнинг тақдири». Бадиий фильм. 1-қисм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

1 ИЮЛЬ — ШАНБА

ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Бу ратнно кўргазмаси». 10.25 «Ота-оналар, Сиалар учун». 10.55 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.25 «Болалар учун. «Тоғдаги гор сири». Бадиий фильм. 12.40 «Здоровье». 13.25 «Спортлото» тиражи. 13.35 «Узимизнинг ўлка». «Бам: кеча ва бугун». Кинопрограмма. 14.40 «Бугун — Халқаро Кооперация куни». «Центр-союз» правлениеси раисининг ўринбосари Н. И. Супотницкий сўзи. 14.55 «Хатларингиз асосида». Халқаро Кооперация кунига бағишланган музикали программа. 15.40 «Инсон. Ер. Коинот». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. И. Севастьянов олиб боради. 16.10 Сувга сакраш бўйича СССР чемпионати. Ереванда олиб кўрсатилади. 18.30 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати.

17.15 «П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс кундалиги». 17.45 «Бизнинг обзор». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов олиб боради. 18.30 Янгиликлар. 18.40 Мультфильмлар программаси. 19.10 «Ўша кишининг ўзи қиюя қилади». Малая Броннадаги Москва драма театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — А. Гребнев. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» — МАСК. Одессадан олиб кўрсатилади. 23.45 «Менга қўшиқни расмини чизиб бер». Ўзбекистон ССР халқ артисти Б. Зокиров иштирокида фильм-концерт. 00.15 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.50 «Эски дўстлар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 11.55 «Мусиқа жавони». 12.55 «Ўзбекистон спорти». 13.25 «Нуқта, нуқта, вергуль». Бадиий фильм. 14.45 «Темир йўл транспортида кишиларнинг хавфсизлиги учун», «Диққат — юқори тезлик магистрали» ҳужжатли фильмлар.

17.25 Кўрсатувлар программаси 17.30 Болалар учун мультфильм. 17.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Умирлар ижоди». 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». Қурол ёйидаги жангчининг 35 йиллигига. 18.40 «Бугун — Халқаро Кооперация куни». 18.55 «Уй сайнати — оила фазилати». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ижод саҳифалари». В. Шукшин. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Тоғи навоси». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Шамаева куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.15 «Резидентнинг тақдири». Бадиий фильм. 2-қисм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.20 «Гунчаҳон санъат». Болалар учун концерт. 17.45 Телевизион бадиий фильм (рус.). 19.10 «Инсон, автомобиль, йўл». 19.40 «Новости». информацион программаси. 19.55 «Максим Горький ва тожик совет адабиёти». 20.25 «Ахбор» информацион программаси. 20.45 Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Душанба кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениеси коллективи музикали эшиттиришлар редакциясининг режиссёр ассистенти Г. Нугаева отаси

Абдулборий НУГАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

30 ИЮНЬ, 1978 й.

БИЗНИНГ АДРЕС 700.000: ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва харбий ватанпарвар ишлари — 32-58-85 хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 07879.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1347.